



БУХОРО ХОНЛИГИ (амирлиги) — узбек давлатчилиги тизимидаги хонликлардан бири (16—20-а. бошлари). 1533 й. гача мамлакат маркази Самарканд бўлган. Убайдуллахон даврида (1533—39) пойтахт Бухорога кўчирилган ва хонлик Бухоро хонлиги номини олган. 1510 й. Марв ёнида Шайбонийхон шох Исмоил I Сафавий кўшинларидан енгилиб халок бўлгандан кейин Мовароуннахр теурийлардан Захириддин Муҳаммад Бобур кўлига ўтади. Лекин, кўп ўтмай шайбонийлар яна Мовароуннахрни эгаллаганлар. Шу вақтдан бошлаб Мовароуннахр бутунлай шайбонийларга тобе бўлган. Ўша вақтларда хонликка хоз. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг катта қисми, Балх ва Бадахшон кирган. Убайдуллахон вафотидан кейин Бухоро хонлиги майда бўлақларга бўлиниб кетган. Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон, Самаркандда эса Кўчкунчихоннинг ўғли Абдуллатифхон мустақиллик эълон қилган. Балх ва Бадахшонда шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон мустақил ҳукмронлик қилган. Шу йиллари шайбоний султонлари ва маҳаллий мулкдорларнинг ҳокимият учун кураши кучайган. Тошкент ва Туркистонда Наврўз Аҳмадхон (Барокхон), Кармана ва Миёнқолда Искандархон, Балхда Пирмуҳаммадхон ва б. кичиккичик ҳукмдорлар мустақил бўлиб олганлар. 1551—56 й. ларда шайбонийлар ўртасидаги Мовароуннахр учун курашда Искандархоннинг ўғли Абдуллахон қолиб чиқиб, Бухоро хонлигида ўз ҳокимиятини ўрнатган. 1557 й. дан бошлаб Бухоро узилкесил хонлик пойтахтига айланган. Искандархон (1563—83) ва унинг ўғли Абдуллахон II даврида Бухоро хонлигининг сиёсий мавқеи ортган. Абдуллахон II Балх (1573), Самарканд (1578), Тошкент (1582), Фарғона (1583), Бадахшон (1584), Кўлоб (1585), Хуросон (1588), Хоразм (1595—96) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган; марказий давлат бошқарув девонини мустаҳкамлаган. Шундай қилиб 16-а. охирига қелиб Бухоро хонлиги марказлашган улкан давлатга айланган. Шарқда Қашқар б-н чегарадош бўлган, гарбий чекқаси Орол ва Каспий денгизи соҳиллариғача бориб туташган. Хонлиқнинг шим. даги чегаралари Туркистон ва Сайрамғача етиб, жан. да Хуросоннинг шарқий қисмини ўз ичига олган. Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида, айниқса Абдуллахон II замонида Бухоро хонлигида дехқончилик, хунармандчилик, савдосотик ривожланган, маданий ҳаёт анча юксалган. Жуда қуп сугориш иншоотлари: Абдуллахон банди, Туятортар канали, Окчопсой тўғони ва сув омбори, Вахшдан чиқарилган кўплаб ариқдарнинг қурилиши дехқончиликни ривожлантирди. Бу вақтларда Бухоро хонлигида бугдойнинг 10 хил тури, сули, кўнок, жўхори, мош, нўхат, маккажўхори, ловия, шоли, пахта, кунжут, беда, арпа, сабзавот ва полиз экинлари эқилган, богдорчилик,

чорвачилик ва ипакчилик ривожланган. Самарканд, Бухоро, Маргилон, Хўжанд, Андижон, Тошкент, Жиззах, Ўратепа, Шахрисабз ва б. йирик шаҳарларда хунармандчилик тараккий килган. Самарканд кози калонининг хужжатларидан маълум бўлишича, 16-а. да Самаркандда хунарнинг 61 тури мавжуд бўлган. Мовароуннахолик косиблар зўр санъат билан турлитуман металл буюмлар, ип ва ипак матолар, аъло навли коғозлар ишлаб чиқарганлар. Бухоро ш. бир мунча кенгайтирилган, девор ва харбий истехкомлар кайтадан курилган. Шаҳарда мадрасалар, хонакох ва карвонсаройлар, янги расталар барпо килинган. Шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларида тим (Абдуллахон тими), кўчалар чоррахаси устига гумбазтоқлар, хаммомлар, карвон йўлларида сардобалар, карвонсаройлар, кўприклар курилган. Шайбонийлар замонида Бухоро хонлиги нинг Хиндистон, Туркия, Россия билан савдо ва дипломатик муносабатлари ривожланган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, 1572—78 й. лари Хиндистонда Бухоро хонининг элчилари, Бухорода эса Хиндистон подшохи Акбарнтт элчилари бўлган. Абдуллахон даврида бошланган ички сиёсий низолар натижасида 1598 й. да Абдуллахоннинг ўзи ва шу йилда унинг ўгли Абдулмўмин ўлдирилган. Тахтга Пирмухаммадхон II чиккан. Аммо унинг хукмронлиги ҳам узокка бормай, 1601 й. тахтдан агдарилган. Шу билан карийб 100 й. хукм сурган шайбонийлар сулоласи бархам топиб, Мовароуннахрда Жўжихон наслидан бўлган аштархонжлар (жонийлар) сулоласи хукмронлиги бошланган.

Аштархонийлар даврида хонликда сиёсий низо ва бебошликлар деярли тўхтамаган. Дастлаб асли аштархонлик, Бухорода кўним топган шахзода Жонибекнинг ўгли Боки Мухаммад (1601 — 05), сўнгра унинг укаси Вали Мухаммад (1605—11) тахтга ўтказилган. Имомкулихон даврида (1611—42) козок бийлари ва б. кўчманчиларнинг Бухоро хонлиги ер лари га талончилик юришлари кучайган. Чунончи Имомкулихон 1612 й. Тошкентни эгаллаб, ўгли Искандарни хоким этиб тайинлайди, аммо шаҳарда кўзголон кўтарилиб Искандар ўддирилади. Имомкулихон Тошкент ахолисини шафкатсиз киргин килиб шаҳарни яна хонликка кўшиб олади. Унинг даврида хонлик анча мустахкамланади. Имомкулихон кўр бўлиб колгач, тахтни эгаллаган укаси Надр Мухаммадхон (1642—45) ҳам шафкатсизлиги ва золимлиги билан норозилик чиқаради. Натижада мухолиф кучлар тазйики билан тахтдан воз кечади. Хокимият унинг ўгли Абдулазиз II (1645 — 81) кўлига ўтади. У марказий хокимиятни мустахкамлашга харакат килади, лекин тобора кучайиб бораётган таркркликни бартараф килолмайди. Бу вақтда Эрон шохи Аббос /Балхни эгаллайди, кейинрок Балх Эрондан кайтариб олинган. Абдулазиз II билан унинг укаси Субхонкулихон ўртасида хокимиятучун кураш бошланади. Аштархонийлар хукмронлиги йилларида Хива хони Абулғозий Баходирхон ва ундан кейин ўгли Анушахон Бухоро ва Самарканд атрофига тез-тез хужум килиб турган. Тахтни эгаллаб олган Субхонкулихон (1681 — 1702) ўз ракибларига карши шафкатсиз курашган. У Балх ва Хуросонга харбий юришлар килган. Унинг ўгли Убайдуллахон (1702—11) хукмронлиги даврида Балх, Термиз, Шахрисабз хокимлари мустакил бўлиб олишга харакат килганлар. Хон уларга карши харбий юришлар килишга мажбур бўлган. Самарканд ва Хисорда бош кўтарган кабилаларга карши кўшин юборган. Ўзаро бетўхтов урушлар, харбий юришлардан кейин хазина бўшаб, иктисодий ахвол мушкуллашган. 1708 — 09 й. ларда ўтказилган пул ислохоти натижасида пул киймати тўрт марта тушиб кетган. Ислохотдан зарар кўрган ахоли галаён кўтарган, бироқ кўзголон шафкатсизларча бостирилган. Хонликда сиёсий ва иктисодий ахволнинг ёмонлашиши ички зиддиятларни кучайтириб юборади. Айрим

нуфузли амирлар уюштирган фитна натижасида Убайдуллахон 1711 й. да ўлдирилади. Тахтга мархум хоннинг укаси Абулфайзхон (1711—47) номигагина хон қилиб ўтказилади. Хокимиятдаги муҳим лавозимлар нуфузли амирлар қўлига ўтиб қолади. Марказий хокимият заифлашгач, 1711 й. да Балх, 1723 й. да Самарканд вилояти Б. х. дан ажралиб чиқади. 1720 й. ларда Тошкент вилоятини калмоқлар босиб олади. Шу аснода Хива хони Шергозихон ҳам Бухоро хонлигига даъвогар бўлади, аммо унинг ҳаракатлари самарасиз якунланади. 1723 й. да калмоқлар козок даштларига бостириб кириб козокларни Мовароуннахрга қочишга мажбур қилган. Козоклар чорва моллари билан Зарафшон водийсига кириб бог ва экинзорларни пайхон қилганлар. Бухоро хонлигида иктисодий ва сиёсий танглик кучая бориб хонлик таназзулга юз тутган. Мовароуннахр парчаланиб, уҳта хонликка (Бухоро, Қўкон ва Хива) бўлиниб кетган. Бундан фойдаланган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ 1740 й. баҳорида Балхни эгаллади ва ўша йили кузда катта қўшин билан Амударёдан ўтиб Бухоро хонлигини бўйсундиради. У мангит қабиласидан бўлган Муҳаммад Ҳаким оталикни ишончли вакили сифатида тахтга ўтказди. Абулфайзхоннинг нуфузи пасайиб кетади. Хонлик Нодиршоҳнинг ўлиmidан кейин (1747) Эронга тобеликдан қутулиб, ўз мустақиллигини тиклади. 1747 й. да отаси ўрнига оталик тайинланган Муҳаммад Раҳим бошлик фитначилар Абулфайзхонни ўлдирдилар. Бундан норози бўлган вилоят хокимлари исён қўтардилар. Қўзғолонлар шафқатсиз бостирилгач, Муҳаммад Раҳим арқони давлат ва рухонийлар фатвоси билан 1753 й. да Бухоро тахтини эгаллади ва ўзини «амир» деб эълон қилди. Шундан кейин аштархонийлар сулоласи барҳам топиб мангитлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди.

Бухоро амирлиги. Муҳаммад Раҳим вақтида (1753—58) Бухоро амирлигига қарашли ерлар анча қисқарган. Унинг тарқибига Бухоро, Самарканд, Миёнқол, Кармана, Қарши, Гузор, Қарқи, Чоржўй, Шаҳрисабз вилоятлари кириб, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хонлик тасарруфидан чиқиб кетган. Дониёлбий оталик вақтида (1758—85) ҳам ўзаро урушлар давом этиб, Кармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва б. жойларда маҳаллий қучлар бош қўтариб, пойтахт измидан чиқишга ҳаракат қилганлар. Дониёлбийнинг катта ўғли Шохмурод ҳукмронлиги даври (1785 — 1800)да Дониёлбий жорий этган солиқлардан бир қанчаси бекор қилинди, иктисодий ҳаёт бирмунча яхшиланди. Рухонийларнинг мавқеи ошди. Мангитлар сулоласи марказий хокимиятни мустаҳкамлашга қанчалик уринмасин, вилоят хокимларининг мустақилликка интилиши давом этаверди. Айниқса Бухорога муҳолиф бўлган Шаҳрисабз ва Қитоб беклари билан қураш шиддатли бўлди. Фақат 1853 й. дагина бу бекликларни Бухорога бўйсундиришга муваффақ бўлинди. Амир Ҳайдар даври (1800—26) ҳам ички ва ташқи урушлардан холи бўлмади. Айниқса Ўратепа бир неча марта қўлданқўлга ўтиб турди. 19-а. 1-чорагида Бухоро билан Хива ва Қўкон хонликлари ўртасида Ўрта Осиёда устунликка эришиш учун қирғинбарот ва талонтарож урушлари бўлди. Тошкент, Туркистон, Чимкент ва уларнинг атрофи Қўкон хонлиги тасарруфига ўтди. 1825 й. да Хива хонлиги Бухорога қарашли Марвни эгаллади. Тўхтовсиз урушлар, солиқлар миқдорининг ортиши қўзғолонларга, жумладан 1821 — 25 й. ларда Бухоро ва Самарканд оралигида истикомат қилувчи хитойқипчок қабилалари қўзғолонига сабаб бўлди (қ. Миёнқол қўзғолони). Амир Ҳайдарнинг вориси Насруллахон (1827—60) амирлик ерларини қенгайтиришга муваффақ бўлди. У тахтга даъвогар бўлиш мумкин бўлган барча шахсларни кириб ташлади. Насруллахон 1839, 1841 ва 1858 й. ларда Қўкон хонлигига бостириб қелиб, аҳолини қирғин қилди ва бойликларини талади. 1842 ва 1843 й. ларда Бухоро б-н Хива

хонликлари ўртасида харбий тўқнашувлар бўлди.

Подшо Россияси Ўрта Осиёни мол сотиш бозори, хом ашё манбаи деб билар эди. 1866 й. рус кўшинлари Бухоро амирлиги чегараларига бостириб кирди ва Хўжанд (24 май), Ўратепа (2 окт.), Жиззах (18 окт.) шаҳарларини ишғол қилди. Истило этилган ерларни бошқариш учун 1867 й. Туркистон генералгубернаторлиги ташкил этилди. 1868 й. 2 май куни генерал Кауфман бошчилигидаги рус кўшинлари Самаркандни ишғол қилди. Июнь ойида Бухоро амири Музаффар кўшинларига Зирабулок яқинида сўнгги катъий зарба берилди. Амир генералгубернаторга мурожаат қилиб, сулҳ тузишни сўради. 1868 й. 23 июнида икки ўртада шартнома имзоланди. Рус кўшинлари босиб олган ерлар подшо Россияси ихтиёрига ўтди; Бухоро амирлиги мустақил ташкилот сифатида юргизишдан маҳрум бўлди; амир рус подшосига 500 минг сўм тоvon тўлади. 1873 й. 28 сент. да мазкур шартномага қўшимчалар киритилиб, амирликнинг Россияга қарамлиги янада кучайди. Натижада амирлик ерларининг учдан бир қисми подшо Россияси ихтиёрига ўтди; Хўжанд, Ўратепа, Панжикент, Самарканд ва Каттакўргон ш. ларидан тортиб Зирабулоккача бўлган ерлар, Шаркий Бухорода эса Шугнон, Воҳон, Рўшон вилоятлари, айниқса Зарафшон дарёси юқори хавзасининг қўлдан кетиши амирликдаги халқларни асосий ҳаёт манбаи — сувдан маҳрум этди, бу ҳол Бухоро амирлигини Россияга иқтисодий жиҳатдан қарамлигини янада оширди.

Бухоро амири ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ҳукмдор саналса ҳам, ҳақиқатда рус подшосига қарам эди. Амир ва унинг амалдорларига қарши халқ ҳаракатлари подшо Россияси кўшинлари ёрдамида бостирилар эди. Амир Абдулахад рус подшосининг генерал-адъютанти ҳисобланган. Унинг даврида рус маъмурлари амирликда катта имтиёزلарга эга бўлган. Амирлик ерларидан ўтган т. й. бўйларига рус аҳолиси келтирилиб жойлаштирилди. Бухоро-Афғонистон чегарасининг муҳофазаси билан ҳам рус кўшинлари шугулланган. Бухоро амирлигининг подшо Россиясига тобелиги амир Олимхон замонида (1910—20) янада ортди. Амирликда етти рус хусусий банкининг шуъбаси иш олиб борарди. 1-жаҳон уруши бошланиши билан амирлик аҳолисининг аҳоли янада оғирлашди. Худди шу даврга келиб жаҳидлик ҳаракати асосида ёш бухороликлар партияси фаолияти кучайди. 1917 й. Февраль инқилоби муносабати билан бу партия амирликни подшо Россияси бўйинтуругидан қутқариш, баъзи ислохотлар ўтқариш ишига киришди. Ёш бухороликлар рус большевиклари билан ҳамкорликда 1918 й. мартда амир ҳукумати ағдаришга уриндилар. Аммо бу ҳаракат муваффақиятсизликка учради. 1920 й. 2 сент. да Бухоро босқини натижасида амирлик тугатилди.

Бухоро хонлигида давлатни бошқариш бошқа хонликлардан деярли фарқ қилмаган. 16—17-а. ларда оталик лавозимидаги шахс хоннинг ўнг қўли ҳисобланиб, у бутун мамлакатни бошқарган. Накиб харбий ишлар ва ташкилот сифати билан шугулланган. Вақф ерларни назорат қилиш кадрлар зиммасига юклатилган. Шунингдек, кўшин учун алоҳида қози (қозиаскар) тайинланган. Қонуншуносликка ва умуман шариатга доир муҳим масалани ечиш ва ҳаётга татбиқ этиш аълам зиммасида бўлган. Девонбеги оталик мансабидан кейин турган. У уруш ва сулҳ ишлари, айрим вилоят бошлиқларини тайинлаш ва б. масалалар билан шугулланган. Ларвоначи хон ёрликларини топшириш ва харбий қисмларга бошчилик қилиш каби вазифаларни адо этган. Шунингдек, хонликда ясовул,

эшикогабоши, мирохур, шиговул, амири лашкар, тўпчибоши, мирзабоши, хазиначи, меhtar, мироб, кушбеги ва б. лавозимлар бор эди. Мангитлар сулоласи даврида ҳам мустабид ҳокимият шакли мавжуд бўлиб, амир ҳукуки чегараланмаган олий ҳукмдор эди. Ижро этувчи ҳокимиятни бош вазир — кушбеги бошқарган. У хон билан бамаслаҳат иш юритган. Жамият ҳаёти шариат қонунларига асосланган. Мамлакат мураккаб давлат аппарати орқали идора қилинган. Мае, молия ишлари девонбеги калонга, давлат ҳавфсизлиги кўкалтошга, ички тартибни сақлаш ва назорат қилиб туриш раис топирилган. Бухоро қози қалони ҳузурида аълам ва 12 муфтийаян иборат ривоятлар тузувчи муфтийлар девони бўлган. Амирликда мусулмон рухонийлари юқори мавқега эга эди. Улар қатта ерларга эгалик қиларди. Шайхулислом бош рухоний ва адлия ишларининг сардори ҳисобланган. У жамият маънавий ҳаётини бошқарган. Суд ҳокимияти рухонийлар қўлида бўлган. Барча қозилар қози қалонга бўйсунган. Давлат бошқарувида у ёки бу лавозим вазифасига қараб ўзгариб турган. Хонликда ўртаасрчилик бошқарув тизимининг узок сақланиши тараккиёт ва қўшин қучқудратига салбий таъсир кўрсатган. Қўшинда дастлаб мисдан, 19-а. бошларида қўядан қуйилган бир неча тўп бўлган. Сарбозлар ўқёй, найза, қилич, ойболта қабил ибтидоий қуроллар билан қуролланган. Хонликда қўшин асосан отликлардан ташкил топан. 18-а. охиридаги маълумотга қўра, хон 10 минг қишилиқ қўшин тўплаш имқонига эга бўлган. 19-а. 30-й. ларида ёлланма аскарлар қони 19 минг қиши бўлиб, улар хизматини турли шаҳар ва ҳарбий истехкомларда ўтаганлар. 19-а. ўрталарида ҳарбий қисмлар, шунингдек тўп ва милтиқлар қони ортган. Умумий қўмондонлик амири лашкар зиммасида бўлган. Умуман хонликда қўшин ҳар жихатдан қамон талабидан анча орқада эди.

Мамлакат иқтисодий ҳаётида дехқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо асосий ўринни эгаллаган. Ички қизолар бўлиб туришига қарамай иқтисодиётнинг бу соҳалари ривожланишда давом этди. Дехқончилик сугориш билан бевосита боғлиқ бўлган. Сугориш тармоқлари Зарафшон ва Амударёдан қикарилган. Абдуллахон II нинг 1583 й. да Нурота тоғлари шим. ён бағирларидаги Эски Окқоб қишлоғи яқинида қурдирган сув омбори қоддиқлари ҳозиргача сақланган. Шунингдек, Зарафшон дарёсида Пули Қармана, Пули Меhtar Қосим ва Пули Қаҳорминор қабил сув тақсимлагичлар қурилган. Зарафшондан Жиззахга Туятортар ариғи қикарилган. Сугориш тармоқлари амир Шохмурод ва амир Қайдар даврларида ҳам анча қўпайди, қўчманчиларнинг ўтроклашуви қучайди.

Хонликда ер эғалигининг асосан 3 тури — амлок (амир . бошчилиғидаги мулкдорлар қуруғи ихтиёридаги ерлар), мулк (хусусий ер эғаларига қарашли) ва вақф (мусулмон рухонийлари, Мадраса, масжид ва мазорларга қарашли) ерлари мавжуд бўлган. Хонликда дехқонлар ерни асосан, ижарага олиб ишлар эди. Солиқ тури ва тўловларнинг қўплиғидан, беғор мажбуриятидан безор бўлган меҳнатқаш халқ тез-тез қалаён қилиб турарди. Дехқончиликда асосан қалла, пахта эқилган. Ипақчилик қўпроқ Зарафшон водийсида ривожлаиган. Қорвачиликда от, туя, қорамол, қўй боқилган. Ҳунармандчиликнинг қўп турлари раванқ топан. Хусусан, тўқимачилик, тиқувчилик, мисгарлик, заргарлик буюмлари хонликдан ташқарида ҳам харидорғир бўлган. Шаҳар ва йирик қишлоқлар ақолисининг талай қисмини ҳунармандлар ташкил этар эди. Тўқимачилик маҳсулотлари Яқин Шарқ (мас, Зандана қишлоғида тўқилган занданийчи матоси бутун Шарқда машҳур бўлган) мамлакатларига қикарилган. Ҳаётни тебратувчи бу

икки йўналиш ички ва ташки савдо такдирини ҳам белгилаган. Дехкончилик ва хунармандчилик махсулотлари ички ва ташки бозор талабларини кондириб турган. Хонликлар ўртасида савдо узлуксиз давом этган. Айниқса Бухоро ш. Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо маркази сифатида машхур бўлиб, кўплаб карвонсаройларга ва савдо расталарига эга бўлган.

Бухоро ислом дини марказларидан бири сифатида машхур эди: Абдулазизхон ва Абдуллахон саройида бадиий безакли нодир асарлар тўпланган кутубхона мавжуд бўлган. Бу ерда мохир хаттотлар ва миниатюрachi рассомлар ишлаб, кўлёзма, адабиёт, тарих ва б. фанлар соҳасида яратилган асарларни кўчириш, безаш ва китоб холига келтириш билан машгул бўлганлар.

Маданияти. Шайбонийлардаврида, айниқса улардан Убайдуллахон ва Абдуллахон II хукмронлик қилган йилларда Бухоро хонлиги иктисодий ва маданий ҳаётида бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Хунармандчилик тараккий этди: темир ва чўян куйиш, кулроғ, мис ва жез идишлар ясаш, тўкимачилик, коғоз, совун и. ч. йўлга қўйилди. Адабиёт, тарих, таржимонлик, лугатчилик, меъморлик, наққошлик, тасвирий санъат ва б. раванқ топди: «Музаққир улахбоб» (Ҳасанхожа Нисорий), «Тазкират ушшуаро» (Мутрибий), «Шайбонийнома» (Мухаммад Солих), «Зубдат уласрор» (Абдулла ибн Мухаммад), «Абдулланом» (Хофиз Таниш Бухорий), «Бадоеъ улвақоеъ» (Зайниддин Восифий) каби йирик адабий ва тарихий асарлар яратилди, лугатлар тузилди (Амин Аҳмад Розий — «Ҳафт иқлим» ва б.), Рашидуддин Фазлуллох («Жомеъ аттаворих») ва Шарафиддин Али Яздий («Зафарнома»)нинг тарихий асарлари узбек тилига таржима қилинди. Мусика, хаттотлик (Кавкабий Нажмиддин Бухорий, Мир Али Хиравий, Аҳмад Хусайний, Мир Хусайн алХусайний, Султон Али Машҳадий, Дўстмуҳаммад Бухорий, Маҳмуд ибн Исҳоқ ашШихобий ва б.) юқори даражада ривожланди. Тасвирий санъат юксалиб, Бухоро миниатюра мактаби вужудга келди. Кутубхоначилик (Абдулазизхон, Абдуллахон II кутубхоналари ва б.), китоб безаш ва муковачилик ривожланди. Тиббиёт илми тараккий этди (Мухаммад Хусайн ибн алМирокий Самарқандий, Шох Али ибн Сулаймон, Султон Али ва б.), йирик шаҳарларда шифохона (дор ушшифо)лар ташкил қилинди. Бу даврда меъморлик юксак даражага кўтарилди — Шайбонийхон мадрасаси, Мир Араб мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси ва б., Масжиди қалон ва б. Говкушон мажмуаси ва б. карвонсаройлар, Тими қалон ва б. расталар, Абдуллахон банди, Зарафшон сув айирғичи ва б. кўприк ва сув омборлари қурилди, ариқ, каналлар қазилди, сардоба ва ҳаммомлар солинди, Бухоро ш. янги мудоффа девори билан ўралди. Қабр тоши (Шайбонийхон, Абусаидхон қабр тошлари ва б.) ясаш бадиий даражага етди. Таълимтарбияга эътибор қучайди, ҳар бир маҳаллада мактаб очилди, баъзи хонадонларда уй таълими жорий этилди. Болалар олти ёшдан ўқишга қабул қилинган бўлди. Мадрасаларда илоҳиётдан ташқари риёзиёт, фароиз, хандаса, фикх, шеър санъати, мантиқ, мусика, хаттотлик ва б. фанлар ўқитилди.

Аштархонийлар давридаги муттасил уруш ҳаракатлари маданий ҳаёт тараккиётига катта тўскин бўлди. Диний зўравонлик қучайди, дунёвий фанлар ўрнини ислом ақидалари эгаллай бошлади. Лекин шунга қарамай адабиёт, санъат ва б. соҳаларда бир қанча истеъдодли олимлар (мусикада Дарвишали Чангий ва б.) етишиб чиқди. Адабий, тарихий асарлар — «Хайвоннома» (Сайд Насафий). «Бахр уласрор» (Маҳмуд ибн Вали),

«Убайдуллонома» (Мухаммад Амин Бухорий), «Тарихи Абулфайзхон» (Абдуррахмон Толеъ), «Мухит уттаворих» (Мухаммадамин ибн Мухаммадзамон Бухорий), «Субхонкулихон тўгрисида хажвия» (Турди) ва б. Тиббиёт ва меъморлик бир оз тараккий этди: аштархонийлардан Субхонкулихон Бухорода махсус шифохона ҳамда тиббиёт кутубхонаси курдирди. Хашаматли бинолар (Шердор мадрасаси, Тиллакори мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Нодир девонбеги мадрасаси, Болоховуз масжиди ва б.) бунёд этилди. Мактаб ва мадрасаларда асосан диний фанлар, қисман адабиёт (Навоий, Ғофиз, Бедил ва б.) ўқитилди.

Мангитлар ҳукмронлиги даврида маданий ҳаёт паст даражада бўлиб, ҳукмрон табакалар халқни жаҳолатда саклашга ҳаракат қилар, бадиий ижодда мадҳиябозлик ва тарқидунёчилик мавзуи ҳукмрон эди. 18-а. 2-ярми ва 20-а. бошларида «Тухфаи хоний» (Мухаммад Вафо Карминагий), «Тоҷ уттаворих» (Мухаммад Шариф), «Ғатхномаи султоний» (Мухаммад Миролим Бухорий), «Мангит хонлари тарихи» (Мирзо Абдулазим Сомий), «Наводир улвақоеъ», «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» (Аҳмад Дониш) каби тарихийбадиий асарлар яратилди. «Тўтинома», «Чор дарвеш», «Юсуф ва Зулайхо», «Тоҳир ва Зухра», «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад», «Вўрўғли» туркумидаги достонлар халқ орасида кенг тарқалди. Халқ санъати турлари — кизикчилик, фонус ҳаёл, дорбозлик ва б. тараккий этди, мусика оммавий санъатга айланди, тасвирий санъат ривожланди (Абдулҳолик Маҳдум ва б.). Йирик иншоотлар — Шайх Жалол дарвозаси ва ҳонақоҳи (18-а. 2-ярми), Домулло Турсунжон мадрасаси (1796— 97), Халифа Худойдод ансамбли (1777— 1855), Чорминор (1807), Амир мадрасаси (20-а. бошлари), Ситораи Моҳи Хося (19 — 20-а. бошлари) ва б. қурилди., Б. х. Россия вассалига айлантирилгач, қулчилик тугатилди, қасалқона, дорихоналар, янги усулдаги рустузем мактаблари очилди, Каттакўргондан Бухорога телеграф ўтқазилди, Бухоро т. й. ва Амударёга темир кўприк қурилди. Меъморликда миллим ва европача услублар уйғунлашиб кетди: мас, 1888 й. қурилган Янги Бухоро (ҳоз. Қогон) даги савдо ва банк муассасаларининг бинолари, амирнинг янги саройи, Бухородаги т. й. вокзали ва б.

/4й..Ғофиз Таниш Бухорий, Абдуллонома, 1—2 ж. лар, Т., 1999, 2000; Мир Мухаммад Амине Бухари, Убайдуллонаме, Т., 1957; Абдурахман Тали, История Абулғейзхана, Т., 1959; Мирза АбдалАзим Сами, Тарихсалатини мангитийаи Бухара, М., 1962; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1қитоб. Туркистон чор Россияси мустанлақчилиги даврида, Т., 2000; Ўзбекистон тарихи: давлат ва ҷамият тараккиёти, 1қисм, Т., 2000.

Ғамид Зиёев.